

**“ТАСДИҚЛАНГАН”
“O‘zenergosotish” AJ
Кузатув кенгашининг
2025 йил 10 октябрдаги
8-сонли мажлиси қарори билан**

**“O‘ZENERGOSOTISH” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
“ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ НИЗОМИ**

Тошкент -2025 йил

М У Н Д А Р И Ж А

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	3
II. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ	3
III. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ	4
IV. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР	5
V. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ	5
VI. ИЧКИ АУДИТНИ ЎТКАЗИШГА ВА УНИ ЎТКАЗИШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА ЙИҒМА ҲИСОБОТ ТУЗИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР	6
VII. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ	8
VIII. ИЧКИ АУДИТ ХОДИМЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА МЕХНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ	9
VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР	9

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. ““О‘zenergosotish” акциядорлик жамиятининг Ички аудит хизмати тўғрисида”ги низоми (кейинги ўринларда – Низом) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2006 йил 27 сентябрдаги ПФ-475-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги "Давлат улуши мавжуд корхоналарни самарали бошқариш ва давлат мулкни тўғри ҳисобга олиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 215-сонли Қарори, "О‘zenergosotish" акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) Устави, Корпоратив бошқарув кодекси ҳамда Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Низом мақсадларида қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

Ички аудит – Жамиятнинг таркибий бўлинмаси (ички аудит хизмати) томонидан Жамият ижро органи ва бошқа таркибий бўлинмаларининг қонунчилик ҳужжатларига, муассислик ва ички ҳужжатларга риоя этилишини назорат қилишни ва баҳолашни, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ва ишончли акс эттирилишини таъминлашни, хўжалик операцияларини амалга ошириш қоидалари ва тартибларига риоя қилишни, активларнинг сақланишини назорат қилишни ҳамда корпоратив бошқарув принципларининг жорий этилишини текширишни ва мониторинг қилишни ўз ичига оладиган фаолиятдир .

Ички аудит хизмати – Жамиятнинг мазкур Низом талаблари асосида ҳамда Кузатув кенгашининг қарори билан ташкил этиладиган ва ички аудитни амалга оширадиган таркибий бўлинмаси.

II. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

3. Ички аудит хизматининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ички аудит натижаларига асосланган ҳолда Кузатув кенгашини ишончли маълумотлар билан таъминлаш ва Жамият фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

- ички аудит жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича Жамият бошқарув органларига тавсияларни тезкор равишда киритиш, уларнинг бартараф этилиши устидан назорат ўрнатиш.

4. Ички аудит хизматининг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

- Кузатув кенгаши томонидан ҳар йили тасдиқланадиган Жамият режасига мувофиқ, Низомнинг 12-бандида кўрсатилган йўналишлар бўйича тегишли текширувларни ўтказиш орқали ички аудитни амалга ошириш (ҳар чоракда ва ҳисобот йили якунлари бўйича);

- тузилаётган хўжалик шартномаларини қонунчилик талабларига мувофиқлигини экспертиза қилиш;

- Жамиятнинг тузилмавий бўлинмаларига бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларни юритишда методик ёрдам кўрсатиш, уларга молия, солиқ, банк ва бошқа қонунчилик бўйича маслаҳатлар бериш;

- Жамият устав капиталида 50 фоиздан ортиқ улушга эга бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан ички назоратни амалга ошириш;

- Кузатув кенгашига техник топшириқларни ишлаб чиқишда, ташқи аудит ташкилотларининг таклифларини баҳолашда ёрдам бериш ҳамда аудиторлик текширувини ўтказиш учун ташқи аудит ташкилотини танлаш бўйича тавсиялар тайёрлаш.

III. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4. Ички аудит хизмати қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Жамият ҳужжатларини (буйруқлар, раҳбарнинг кўрсатмалари ва фармойишлари, бошқарув органлари қарорлари, маълумотномалар, ҳисоб-китоблар, зарур ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхалари ва бошқа ҳужжатлар) ҳамда Жамият мансабдор ва масъул шахсларидан ички аудитни амалга ошириш жараёнида пайдо бўлган саволларга оғзаки ва ёзма тушунтиришларни олишга;

- ички аудитни ўтказишда ёрдам кўрсатиш учун Жамиятнинг тегишли мутахассисларини жалб қилиш.

5. Ички аудит хизмати қуйидагиларни бажариши шарт:

- ички аудитни амалга оширишда мазкур Низом ва бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига риоя қилиш;

- Низомнинг 13-16-бандларида белгиланган талабларга мувофиқ ҳисоботлар тайёрлаш;

- молиявий ва статистик ҳисобот кўрсаткичларининг тўғрилигини текшириш;

- ички аудитни амалга оширишда олинган маълумотларнинг махфийлигини сақлаш;

- Жамиятга унинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан зарар етказилганини кўрсатувчи фактлар аниқланганда, бу ҳақда дарҳол Жамият Кузатув кенгашига хабар бериш ва аудиторлик ҳисоботида тегишли ёзувни амалга ошириш;

- активларни инвентаризация қилишда ва унинг белгиланган қонунчилик тартибида ўз вақтида амалга оширилиши устидан назорат қилишда иштирок этиш.

Ички аудит хизмати қонунчилик ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

IV. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

6. Ички аудит хизмати ходимлари охириги ўн йил давомида бухгалтерия ҳисоби, аудит, молия ёки солиқ назорати соҳасида камида икки йиллик амалий иш стажига эга бўлиши ва қуйидаги талаблардан бирига жавоб бериши керак:

- ички аудитор сертификатиغا эга бўлиши;

- Ўзбекистон Республикаси ёки хориж давлатининг олий таълим муассасаларидан олинган ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида тенг ҳуқуқли таълим сифатида тан олинган олий иқтисодий таълимга эга бўлиши.

7. Ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги билан келишилган ҳолда республика профессионал жамоат бирлашмалари томонидан белгиланади.

8. Жамиятнинг ички аудит хизматидаги лавозимларни қуйидаги шахслар эгаллай олмайдилар:

- иқтисодиёт соҳасида ёки жамоат тартиботига зид жиноятлар учун жазоси ўталмаган (жазоси ёпилмаган) судланган шахслар;

- Жамиятнинг бошқарув органи раҳбари ёки аъзоси бўлган шахслар;

- Жамиятнинг рақобатчиси бўлган бошқа юридик шахснинг акционери, раҳбари ёки бошқарув органи аъзоси ёки ходимлари.

Ички аудит хизматиغا кировчи шахсларга бўлган бошқа талаблар Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланиши мумкин.

8. Ички аудит хизмати ходимлари сони ички аудитнинг мақсад ва вазифаларини самарали амалга ошириш учун етарли бўлиши ва камида икки сертификатланган ички аудитордан иборат бўлиши керак.

9. Ички аудит хизмати раҳбари ички аудитор сертификатиغا эга бўлган шахс бўлиши керак. Ҳар йили ички аудит хизмати раҳбари ички аудит хизмати харажатларининг йиллик сметасини тузади ва тасдиқлаш учун Жамиятнинг Кузатув кенгашига тақдим этади.

10. Ички аудит хизмати ходимларининг касбий даражаси тегишли лицензияга эга таълим муассасаларида тизимли асосда малака ошириш орқали сақланиши керак.

11. Ички аудит хизмати ходимлари ҳар йили Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан аттестациядан ўтказилади.

V. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ

12. Ички аудит хизмати мустақиллигининг асосий шартлари қуйидагилардан иборат:

- Ички аудит хизмати раҳбари ва унинг ходимларини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш, уларга маош ва бошқа тўловларни белгилаш Жамиятнинг Кузатув кенгаши қарорлари асосида амалга оширилади;

- Ички аудит хизмати Жамиятнинг Кузатув кенгашига бевосита бўйсунди.

VI. ИЧКИ АУДИТНИ ЎТКАЗИШГА ВА УНИ ЎТКАЗИШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА ЙИҒМА ҲИСОБОТ ТУЗИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

13. Ички аудит фақатгина ички аудит хизмати ходимлари томонидан қуйидагилар бўйича текширув ҳамда мониторингларни ўтказиш орқали амалга оширилади:

- тасдиқланган бизнес режанинг бажарилиши;
- корпоратив бошқарув принципларига риоя қилиниши;
- бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг ҳолати;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ва тўланиши;
- молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонунчиликка риоя этилиши;
- активларнинг ҳолати;
- ички назоратнинг ҳолати.

Кузатув кенгаши томонидан қонунчиликка мувофиқ бошқа текширув йўналишлари ҳам белгиланиши мумкин.

14. Ўтказилган текширишлар натижалари бўйича бевосита уни ўтказган ходим (ходимлар) томонидан имзоланадиган тегишли ҳисоботлар тузилади. Бунда:

а) Бизнес-режа бажарилишини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- унинг бажарилишининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари таҳлили;
- унинг бажарилиши таъминланмаган тақдирда айбдор мансабдор шахслар шахсан кўрсатилган ҳолда аниқланган сабаблар баёни.

б) Корпоратив бошқарув принципларига риоя қилиш натижалари бўйича ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- Жамият бошқарув органлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг самарадорлиги, унинг иштирокчиларининг (ташаббускорлар) қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилишини таҳлил қилиш;

- корпоратив бошқариш соҳасида қонунчилик бузилиши ҳолатлари баёнини (таъсис ҳужжатларига риоя қилиш, умумий йиғилишлар ва корхона бошқарув органлари мажлислари ўтказилиши, дивидендлар тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши ва ҳоказолар).

в) Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби ва молия ҳисоботи ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молия ҳисоботини тузишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини баҳолашни;

- аниқланган бухгалтерия ҳисоботини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг белгиланган тартиби бузилишининг тавсифини.

г) Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ва тўланиши бўйича ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- тузилган ва тегишли органларга тақдим этилган солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳисоб-китоби тўғрилигини баҳолаш;

- солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашнинг белгиланган тартиби бузилиши ҳолатларини, солиқ солинадиган базани белгилашда четга чиқишларни баён қилиш.

д) Молия-хўжалик операцияларини амалга оширишда Жамият томонидан қонунчиликка риоя қилинишини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- Жамият томонидан амалга оширилган молиявий-хўжалик операцияларининг қонунчиликка мувофиқлигини баҳолаш;

- ички аудит давомида аниқланган корхона томонидан амалга оширилган молия-хўжалик операцияларининг қонунчиликка номувофиқлигини баён қилиш.

е) Ички назоратнинг ҳолатини текшириш натижалари бўйича ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- ички назорат тизимини ва унинг фаолият кўрсатишидаги мавжуд камчиликларни баён этиш;

- Жамиятнинг таркибий бўлинмаларидаги ижро интизомининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, унинг аниқ ходимлари ишидаги мавжуд камчиликларни.

ё) Активларнинг ҳолатини текшириш натижалари активларни хатловдан ўтказишнинг асосланишини ҳамда уларнинг ҳаракати, амалда мавжудлиги ва сақланиши тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

15. Ўтказиладиган текширишлар бўйича барча ҳисоботларда корхона ижро этувчи органи ва унинг таркибий бўлинмалари фаолияти баҳоланишини, аниқланган четга чиқишлар ва қонун бузилишларини бартараф этишга доир тавсияларни, тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг тўлиқ пакетини ўз ичига оладиган якуний қисм бўлади.

16. Ички аудит якунлари бўйича ички аудит раҳбари томонидан имзоланадиган қуйидагиларни ўз ичига олган йиғма ҳисобот тузилади:

- таҳлилий қисм;
- якуний қисм;
- тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг тўлиқ пакети.

16. Йиғма ҳисоботнинг таҳлилий қисми ички аудит ходимлари томонидан ўтказилган текширишлар натижалари тўғрисидаги умумлаштирилган ахборотни ўз ичига олиши керак.

17. Ҳисоботнинг якуний қисми қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- Жамиятнинг ижро этувчи органи ва таркибий бўлинмалари фаолиятига, шунингдек ликвидлигига умумий баҳо беришни;

- аниқланган четга чиқишлар ва қонунни бузишларни бартараф этиш бўйича ички аудит хизматининг тавсияларини ҳамда корхонанинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга, корпоратив бошқаришни такомиллаштиришга доир умумлаштирилган таклифларни.

18. Йиғма ҳисобот ички аудит яқунлангандан кейин 10 кун мобайнида тугалланиши ва тайёрланиши керак.

19. Йиғма ҳисоботлар бевосита Кузатув кенгашига унинг кўриб чиқиши ва кейинчалик тасдиқлаши учун тақдим этилилади. Ҳисоботлар нусхалари тасдиқлангандан кейин Жамият ижро этувчи органига тақдим этилиши керак.

20. Жамиятнинг ижро органи ички аудит натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриши шарт.

21. Ички аудит хизмати текшириш давомида аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш, шунингдек умуман Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ўз вақтида ва зарур даражада бажарилиши устидан назорат ўрнатиши керак.

VII. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

22. Ички аудит хизмати ходимлари қуйидагилар учун жавобгардир:

- ўтказган текширишлар натижаларини бузиб кўрсатиш;
- уларга тақдим этилган ёки улар томонидан хизмат вазифаларининг бажарилиши муносабати билан уларга маълум бўлган Жамиятнинг сирини ташкил этадиган ахборотнинг махфийлигини таъминлаш;
- олинган ҳужжатларнинг сақланиши ва тўлиқ қайтарилиши.

23. Ички аудит хизмати аудиторлик текширишлари давомида аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш ва Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан кўрилган чора-тадбирларга баҳо берилиши учун ҳам жавобгар ҳисобланади.

24. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ҳар чоракда ички аудит хизматининг текширишлари натижалари тўғрисидаги ҳисоботини эшитади, аниқланган

камчиликларни бартараф этиш ва Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан чора-тадбирлар кўради.

VIII. ИЧКИ АУДИТ ХОДИМЛАРИНИ РАЎБАТЛАНТИРИШ ВА МЕХНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

25. Ички аудит ходимлари узининг меҳнат фаолияти учун ойлик иш ҳақи, мукофот ва бошқа тўловлар олиш ҳуқуқига эга.

26. Ички аудит ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳаражатлари Жамиятнинг йиллик бизнес режаси смета ҳаражат қисмида акс эттирилади.

27. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 16 баробари миқдорида Ички аудит хизмати бошлиғи ва 12 баравари миқдорида Ички аудит хизмати аудиторлари лавозим маоши белгиланади.

28. Ички аудит ходимларига давлат ва молия идораларида узоқ муддат хизмат қилганлиги учун иш стажига қараб қуйидаги миқдорда лавозим маошига қўшиб (лавозим маошига нисбатан фоизда) ҳақ тўланади:

3 йилдан 5 йилгача - 50 фоиз;

5 йилдан 10 йилгача – 70 фоиз;

10 йилдан 20 йилгача – 100 фоиз;

20 йилдан ва ундан юқори йилгача – 120 фоиз.

29. Ички аудит ходимларига байрам кунлари ва бошқа муносабатлар билан Жамият ички ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда раўбатлантириш тўловлари амалга оширилади. Шунингдек, умумий асосда меҳнат таътили, иш ҳақи сақланмаган таътили, касаллик варақларини тўлаш, шунингдек Жамиятнинг ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган бир марталик тўловлар берилади.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

30. Мазкур Низом, шунингдек, унга киритиладиган қўшимчалар ва ўзгартиришлар Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари, ички аудит хизмати ва Бошқарув томонидан берилган таклифларга кўра киритилади ва Жамиятнинг Кузатув кенгаши қарори билан тасдиқланади.

31. Низом бандлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамиятнинг Уставига зид келса, бу бандлар кучини йўқотади ва ушбу бандлар билан тартибга солинган масалаларда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамиятнинг Устави нормаларига амал қилинади.